

9-синф

ЎЗБЕК ТИЛИ

4-вариант

№ 1. Изоҳловчини белгиланг.

- а) ошпаз Карим
в) жамоа хўжалиги

- б) отнинг жилови
г) олтин калит

№ 2. Ўзлаштира гап қаторини белгиланг.

- а) Насиба оёқлари совуқдан зирқираб оғриётганини айтди.
б) Болалар, кўча қоидаларига риоя қилинг.
в) Замира синфдошлари ҳақида тўлиб гапирди.
г) Ўқувчилар газета ва журналларга обуна бўлмоқдалар.

№ 3. Тўлиқсиз гапни белгиланг.

- а) Одина бугун қаёққа бормоқчисан?
б) Сизнинг аризангизни мажлисда кўриб чиқамиз.
в) - Мактабга.
г) Зулфия узок ўйланиб ўтирди.

№ 4. Қўшма гап тузиш мумкин бўлган гапни белгиланг.

- а) Дарё суви оқмоқда. Йўловчилар келдилар.
б) Қиш келди. Терим бошланди.
в) Биз бордик. Китоб ўқишди.
г) Қор ёғди. Кунлар совиб кетди.

№ 5. Нукталар ўрнига керакли боғловчини қўйинг.

Онахон янги шаҳарга кам келган, ... бу кўчалардаги катта-катта бинолар эсида қолган экан.

- а) ёки б) ёхуд в) лекин г) —у

№ 6. Аниқловчи эргаш гапнинг бош гапи таркибида учрайдига сўзлар қаторини белгиланг.

- а) у, ким б) натижада в) у, унинг г) бундай, унинг

№ 7. Ўхшатиш эргаш гапли қўшма гапнинг бўғловчи воситаларини белгиланг.

- а) -б, -иб б) -са ҳам в) —ки г) -дек, -дай

№ 8. От-кесим ишлатилган гапни топинг.

- а) У узок ўйланиб қолди. б) Комил калласини қимрлатди.
в) Фарзанд гулдир, она бир бўстон. г) Хонтахтага гул қўйдим.

№ 9. Қўмакчилар ёрдамида боғланган уюшиқ бўлакли гапни топинг.

- а) Козимбек ўрнидан турди, зинанинг бошига борди-ю, тушмади.
б) Ҳирот ҳар кунги дарди, нашъаси, машаққати билан яшайди.
в) Йўлчи бошини қимрлатди-да, жим ўтира берди.
г) Она саҳаргача ўтириб чикди, лекин толиқмади.

№ 10. Ишоравий белги нотўғри қўйилган гапни аниқланг.

- а) Навоий севги ва садоқатни улуғловчи, инсоний фазилатларни ардоқловчи фикрлари биз, ҳозирги авлод учун, ғоят қимматлидир.
б) Бояги йигитнинг, Авазнинг, қўли гул экан.
в) Бундан қирқ тўққиз йил муқаддам 1947 йилда, А. Навоий ҳақидаги фильм экранларга чикди.
г) Ғалаба байрами арафасида мен бу кишини, Содиқ акани, учратиб қолдим.

№ 11. Гаплар орасига қайси боғловчини қўйиш мумкин?

Тонг ҳали ёришмаган, ... осмонда юлдузлар анча сийраклашган эди.

- а) ва б) ҳам в) бироқ г) аммо

№ 12. Қуйидаги гап эргаш гапнинг қайси турига мансуб?

Ўртоқлари кўп бўлмаса-да, Лола девонасифат Ҳасан амакини ёқтирарди.

- а) пайт эргаш гапли қўшма гап б) шарт эргаш гапли қўшма гап
в) сабаб эргаш гапли қўшма гап г) тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гап

№ 13. Пайт эргаш гапнинг тўғри таърифини белгиланг.

- а) бош гапдаги иш-ҳаракатининг вақтини билдирган эргаш гап пайт эргаш гап дейилади
б) бош гапдаги иш-ҳаракатининг муддатини билдирган эргаш гап пайт эргаш гап дейилади
в) бош гапдаги иш-ҳаракатнинг пайтини билдирган эргаш гап пайт эргаш гап дейилади
г) бош гапдаги ҳаракатнинг мақсадини билдирган эргаш гап пайт эргаш гап дейилади

№ 14. Гапларни қандай боғловчи восита ёрдамида боғлаш мумкин?

Сув кел ..., чўлу саҳролар обод бўлади.

- а) –са б) -б, -иб в) –ки г) -са ҳам

№ 15. Ўрин эргаш гапли қўшма гапни белгиланг.

- а) Қаерда аҳиллик бўлса, шу ерда барака бор.
б) Билиминг осмонга етган бўлса ҳам, бошқалар илмига кулоқ сол ҳар дам.
в) Дутор чалиб ўтирсам, тори узилиб кетди.
г) Бу китобни тезда қайтариш шарти билан бераман.

Қушлар шоҳи – бургутлар тўғрисида халқимизда кўп ривоятлар бор. Ўтган йил кузнинг ўрталари эди. Қашқадарёнинг энг баҳаво Мироқи тоғи этакларида булоқ бўйида ўлиб ётган бургутни кўрдик. Тоғлар ҳукмдорининг бундай фожиали ҳалок бўлиши бизни жуда-жуда ажаблантирди. Яқинроқ бориб қарасак, бургутнинг бўйнида илон чирмашиб ётибди. Бургутнинг зўриқиб чакчайган кўзлари нурсиз. Тоғга келиб урилганидан бўлса керак, бир қаноти эгилган. Илон ҳам ўлиб ётар эди. Илоннинг боши мажақланиб кетибди. Ҳайрон қолдик. Наҳотки бургут илондан ожизлик қилиб ҳалок бўлган бўлса? Бу саволга ҳамроҳимиз жавоб берди: - Бургутлар илонга ўч бўлишади.

Бургут илонни чангалига олиб кўкка парвоз қилган пайтда, илон аста-секин унинг бўйнига чирмашиб, уни бўға бошлар экан. Ҳолсизланган қуш бекорга ўлиб кетишни истамай, ўзини зарб билан қояга ёки тошга уриб, ўзини ҳам, рақибини ҳам ҳалок қиларкан. Ҳамроҳимиз бургутларнинг шу тарзда ҳалок бўлганини аввал ҳам учратганлигини ҳикоя қилиб берди.

№ 16. Қушлар шоҳи...

- а) Саъва б) Какку в) Бедана г) Бургут

№ 17. Бургутлар нимага ўч бўлишади?

- а) Илонга б) Чивинга в) Итга г) Айиққа

№ 18. Бургут қай ҳолатда ҳалок бўлади?

- а) Югуриб ҳалок бўлади б) Индамай
в) Ҳолсизланиб г) Ўзини қояга уриб

№ 19. Ҳолсизланган бургут...

- а) Илонни чангалига олиб кўкка парвоз қилган
б) Қоядан ўзини олиб қочган.
в) Бекорга ўлиб кетишни истамаган
г) Қаноти қайрилган

№ 20. Бу ҳикоядан қандай хулоса чиқардингиз?

- а) Мағрурлик
б) Енгилмаслик
в) Ялинчоклик
г) Ақллилик

Баллни баҳога айлантириш шкаласи

Ҳар бир топширик 1 балл билан баҳоланади. Жами топширикларнинг миқдори – 20

баллари	баҳо
0-7	«2»
8-11	«3»
12-14	«4»
15-20	«5»